

## РЕШАД ЭНИС АЙГЕН (1909-1987)



[https://doi.org/ 10.5281/zenodo.7460741](https://doi.org/10.5281/zenodo.7460741)

Адхамбек АЛИМБЕКОВ,  
ТДШУ профессори,  
Тошкент, Ўзбекистон.  
Тел: +998 99 720 74 54;  
E-mail: [AAlimbekov @gmail.ru](mailto:AAlimbekov@gmail.ru)

**Аннотация:** *Мазкур мақола машҳур ёзувчи Решад Эниснинг ҳаёти ва ижодига бағишланган. Поклик, ҳалоллик, олижаноблик тушунчалари, айниқса, ватанпарварлик туйғуси Р. Энис ҳикояларида ўзига хос маҳорат, ички бир меҳр билан ёритилган.*

**Калит сўзлар:** *Портрет, истиора, модернизм, памфлет, гоя, неореализм.*

**Аннотация:** *Данная статья посвящена жизни и творчеству известного писателя Решада Эниса. Понятия чистоты, честности, благородства, особенности чувства патриотизма Р. Истории Эниса освещены уникальным мастерством и внутренней любовью.*

**Ключевые слова:** *Портрет, метафора, модернизм, памфлет, идея, неореализм.*

**Abstract:** *This article is devoted to the life and work of the famous writer Reshad Enis. Concepts of purity, honesty, nobility, especially the sense of patriotism R. Enis's stories are illuminated with a unique skill and an inner love.*

**Key words:** *Portrait, metaphor, modernism, pamphlet, idea, neorealism.*

XX аср турк насрчилигида муносиб ўрни бўлган, ўзига хос ёзувчи Решад Энис ижоди ҳаётни реалистик акс эттириши, асарларидаги самимийлик, инсон қалбини теран тасвиолаши билан ажралиб туради. Решад Энис 1909 йил 1 июнда Истанбул шаҳрида туғилди. Баъзи манбаларда Эдирна шаҳри кўфсатилган (масалан: Л.О.Алькаева «Очерки по истории турецкой литературы 1908-1939 год». М. 1959г.) Бўлажак ёзувчининг отаси Салим Сиррибей зобит бўлиб, биринчи жаҳон уруши арафасида ўз оиласи билан жанубий Анадўлида яшарди. Отасининг хизмати туфайли Решаднинг ёшлиги Фатхия, Мўгла, Бурдур, Ойдин каби унча катта бўлмаган Анадўли шаҳарларида кечади. Ўрта мактабни эса 1924 йил Чаноққалбада

тугатади. Сўнг Истанбулдаги эркаклар лицейига ўқишга кириб 1923 йил битиради.

Р.Энис мактабда ўқиб юрган йилларида адабиёт билан, журналистика билан жуда қизиққан. Ўзи деворий газеталар ташкил қилиб, илк ёзганларини кўлёзма ҳолида мактабдошлари ҳукмига ҳавола қиларди. Лицейни тугатгач икки йил Истанбул юксак тижорат мактабида ўқийди. Отасининг таъсирида бўлса керак, ҳарбий бўлиш Р.Эниснинг истаги эди. Шунинг учунми, у харбий хизматга киради. Аммо журналистика, адабиётга бўлган иштиёқи туфайли 1930 йилдан у ўзини бутунлай ижодга бағишлайди. Р.Энис «Миллият» газетасига адлия репортёри бўлиб ишга киради. 1933 йил «Вақт» газетасига ишга ўтади. 1940 йил Жовид Ўралнинг (газета хўжайини) таклифи билан Адана шаҳрига келиб «Бутун» газетасига бош муҳаррирлик қилади. Беш йилдан сўнг Истанбулга келиб «Сўнгги дақиқа», 1952 йилдан эса «Жумҳурият» газеталарида ишлайди.

Ижодини лицейда ўқиб юрган йиллари кичик ҳикоялар ёзишдан бошланган Р. Эниснинг илк асари 1930 йилда «Уйғониш» журналида нашр қилинган. Шу йили ёзувчининг илк ҳикоялар тўплами. «Қиличимни ялонғочладим» чоп қилинади. 30 ҳикояни жамлаган бу илк тўплам Р.Энисни реалист ёзувчи сифатида элга танитди. Бу ҳикояларда бўлажак ёзувчининг эстетик принциплари ижтимоий қарашлари акс этганди, дейиш мумкин. Унинг қахрамонлари даврнинг аччиқ-чучугини тортган инсонлар эди. Поклик, ҳалоллик, олижаноблик тушунчалари, айниқса, ватанпарварлик туйғуси Р.Энис ҳикояларида ўзига хос маҳорат, ички бир меҳр билан ёритилган. Биринчи жаҳон урушидан сўнг Туркиянинг аҳволи, 1918-23 йиллардаги миллий озодлик урушида оддий инсонларнинг қанчалар ватанпарварлик кўрсатганлиги, уруш минглаб оилаларни бебахт қилганлигини самимий жумлаларда тасвирлайди. Зотан, жаҳон адабиётининг шу мавзудаги энг гўзал намуналарида ҳам урушнинг даҳшатли оқибатлари китобхоннинг қалбини титратадиган тарзда тасвирланадики, бу реалистик ижодкорлар томонидан қирғин-барот урушларни қоралашнинг бир йўлидир. Бу табиий эди ҳам. Ҳеч бир даврда инсонларнинг бошқа

инсонларга зулми оқланган эмас. Р. Энис оддий солдат тақдири мисолида ёки эри урушда ўлган зобит беваси қисматидами ёки ҳеч бир гуноҳсиз болалар тақдирини тасвирлаш биланми, ўша давр ҳаётининг ёрқин кўринишларини чизиб беради. «Ефрейтор Зайнаб» ҳикояси жанг майдони тасвири билан бошланади. Ҳамма ёқда ўқ овозлари, тутун, аланга, атроф қон. Шу жанг майдонида сочларига оқ оралаган, қорачадан келган, нозиккина оддий анадўлилик турк аёли ефрейтор Зайнаб ҳам бор. Зайнаб турмуш ўртоғи урушда ҳалок бўлганлигини эшитган. Юнонларни Туркиядан қувиш учун, эрининг қасосини олиш учун, фронтга келган Зайнаб санитар бўлади, ўқ дори ташийди, хизматлари учун ефрейтор унвонини олади.

Душман билан бўлаётган оғир жангда Зайнабнинг қисми эрталабгача душман ҳужумига дош бериб, янги кучлар етиб келгунча чекинмай, марказни ушлаб туриши керак. Мана шунда ефрейтор Зайнаб яширинча келиб душманларнинг ўқ-дори омборини портлатади ва ғалабага муҳим ҳисса кўшади. Бу ҳақда эса унинг сафдошлари эртаси кун, қонга беланиб ётган Зайнабни ўқ-дори омбори ёнидан топиб олгандагина биладилар.

1957 йил «Янги Истанбул» газетасига ишга ўтади. 1957 йилдан шу газета саҳифаларида Р. Эниснинг «Деспот» (мустабид) романи эълон қилинади. Шу асари учун ёзувчи судга берилади. Суд Р. Энисни оқлайди.

Ёзувчининг «Жаноза», «Тасодифлар занжири», «Таҳқирланган иззат-нафс» каби маҳорат билан ёзилган ўнлаб ҳикоялари машҳур. Кейинчалик Р. Энис кўплаб романлар ездди. «Қонун номила» (1932), «Тупрок ҳиди» (1936), «Нон қайғуси» (1947), «Деспот» (1957), «Сарик ит» (1968) асарлари ёзувчи номини янада элга танитди.

## REFERENCES

1. Hamidov, X., & Abduraximova, D. (2019). Приведение фразеологизмов в переводе с японского на узбекский. *Sharqshunoslik*, 4(4), 100-112.
2. Kayumova, M. (2022). Methodological Commonality in Uzbek and Turkish Drama. *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, 9(3), 230-238.
3. Khodjaeva, N. The Development of Indian Literature in Uzbekistan: Historiography of Translation. *History of Translation in India*, 431.

4. Ходжаева, Н., & Губаева, Х. (2020). Issues on translation of character speech (on the example of korean-uzbek literature). *Международный журнал искусство слова*, 3(4).
5. Usmanova, S. R., & Ismatullayeva, N. R. (2020). Expression Of Lacunas In Comparative Study Of Kinship Terms In Chinese And Uzbek Languages. *Solid State Technology*, 63(6), 4974-4985.
6. Khodjaeva, N. (2019). SEMANTICS OF KINSHIP TERMS AS A FORM OF ADDRESS IN UZBEK TRANSLATIONS OF PREMCHAND. *Theoretical & Applied Science*, (8), 107-110.
7. KHODJAEVA, N. B. (2021). PREMCHAND’S VARDAN IN UZBEKISTAN: TRANSLATION ISSUES OF SOME CULTURAL SPECIFIC WORDS. *THEORETICAL & APPLIED SCIENCE Учредители: Теоретическая и прикладная наука*, (12), 374-377.
8. KHODJAEVA, N. The Development of Indian Literature in Uzbekistan: Historiography of Translation. *History of Translation in India*, 431.
9. Ходжаева, Н., & Губаева, Х. (2020). ISSUES ON TRANSLATION OF CHARACTER SPEECH (ON THE EXAMPLE OF KOREAN-UZBEK LITERATURE). *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, 3(4).
10. Khodjayeva, N. (2021). The issues of stylistics on translation of historical costumes. *ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH*, 10(4), 534-543.